

SSAI

SOCIAL SCIENCE AND INNOVATION



JOURNAL

Vol.3 Issue 1

ISSN
2992-9180

IF (IMPACT FACTOR)
11.5 / 2025



額の見方

800円
500円
200円



5 March 2026

Aliyeva Sevinch

Teacher of the Department of Uzbek Language and Social Sciences, Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, doctoral student of JSPU

Aliyeva Sevinch

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universitetining Jizzax filiali O‘zbek tili va ijtimoiy fanlar kafedrasida o‘qituvchisi, JDPU doktoranti

Алиева Севинч

Преподаватель кафедры узбекского языка и общественных наук Джизакского филиала Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека, докторант ДжГПУ

"TARIXI ANBIYO VA HUKAMO" – ADABIYOTIMIZDAGI DURDONA ASAR

ANNOTATSIYA: Ushbu maqola Alisher Navoiyning "TARIXI ANBIYO VA HUKAMO" asarini birinchi payg‘ambarlar tarixi qismini, xususan Sulaymon kabi payg‘ambarlarning xatoga yo‘l qo‘yishi va uni tushunib, tezda tavba-tazarruga tushishlari jihatlari tadqiqiga bag‘ishlangan.

KALIT SO‘ZLAR: Anbiyo, avliyo, hukamo, nabiylilik, ma'rifat, komillik, olim, qadriyat, ibrat.

"ИСТОРИЯ АНБИО И ХУКАМО" – ШЕДЕВР НАШЕЙ ЛИТЕРАТУРЫ

АННОТАЦИЯ: Данная статья посвящена исследованию первой части истории пророков, представленной в произведении Алишера Навои «ИСТОРИЯ АНБИО И ХУКАМО», в частности анализу аспектов, связанных с тем, как такие пророки, как Сулейман, могли допускать ошибки, осознавать их и незамедлительно обращаться к искреннему покаянию и смиренной мольбе.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: пророки, святые, мудрецы, пророчество, просвещение, совершенство, учёный, ценности, нравственный пример.

"HISTORY OF ANBIO AND HUKAMO" - MASTERPIECE IN OUR LITERATURE

ABSTRACT: This article is devoted to the study of the first part of the history of prophets presented in Alisher Navoi's work "HISTORY OF ANBIO AND HUKAMO", particularly focusing on the narratives about prophets such as Solomon and the aspects related to their committing mistakes, realizing them, and promptly turning to sincere repentance and supplication.

KEY WORDS: prophets, saints, sages, prophethood, enlightenment, perfection, scholar, values, moral example.

КИРИШ

Ўзбек адабиётида нубувват ва набийлик маърифати билан боғлиқ туркум асарлардан "Қисаси Рабғузий", "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарларида ифодаланган воқеликлар умуминсоний қарашларни ифода этганлиги бугунда адабиёт илмига яхши маълум.

Шу ўринда ўринли савол туғилади, Мир Алишер Навоий нима учун "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарини ёзди? Назаримизда, Алишер Навоий ислом динининг моҳиятан инсонсевар, комил инсон ва комил инсоний жамият тарбиясига хизмат қилувчи илм эканлиги учун ҳам ўзининг барча қизиқишлари калитини ундан излаган. Чунки, бундай асарлар инсон маънавиятига кучли таъсир этадиган дурдонадир. "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний

куч"¹, эканлигини тушинаман деганда, муаллиф шундай асарларни назарда тутган ва у тўла ҳақлидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асари туркий халқларни улуғ набилар ҳаёти билан боғлиқ қиссалар ва ҳакимларнинг пурмаъно фикрларидан баҳраманд этиш учун яратилган ибратомуз асардир. Тўғри, пайғамбарлар тарихига оид ривоят-у ҳикоятларни ўзида мужассамлаштирган асарлар Алишер Навоий даврига қадар ҳам яратилган. Жумладан, "Тарихи Табарий", "Тарихи Банокатий" сингари мўътабар манбаларда баъзи подшоҳларнинг юришлари билан бир қаторда пайғамбарлар қиссалари ҳам келтирилади. Шунингдек, Носируддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асари туркий адабиётда айни мавзуга бағишланган энг йирик насрий асар сифатида маълум ва машҳурдир².

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асари ислом дини

¹ Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. ТИУ, -Тошкент: 2001. 3-бет.

²Vohidov R. H.Eshonqulov. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi.- T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi, 2006. 425- bet.

манбаларига асосланган асар бўлиб, пайғамбарлар – расул ва набийлар ҳамда ҳаким зотлар – алломалар тарихига бағишланган.

Асарнинг биринчи қисмида пайғамбарлардан Одам Ато (а.с.), Нуҳ (а.с.), Иброҳим (а.с.), Исмоил (а.с.), Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.), Мусо (а.с.), Хорун (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Исо (а.с.) кабиларнинг ҳаёти ва ўз эътиқодлари учун олиб борган курашлари ҳамда Асҳоби қаҳф воқеаси ҳақида маълумот берилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, пайғамбарлар қиссаси ҳажман ўзаро фарқланади. Баъзи пайғамбарлар, масалан, Хизр (а.с.) ҳақида қисқа маълумот билан чекланилса, Юсуф (а.с.), Иброҳим (а.с.), Мусо (а.с.) ва Исо (а.с.)ларнинг ҳаётига доир жуда кўп воқеалар баён қилинади.

Масалан, Мусо (а.с.) Аллоҳнинг ғайб илмидан насиба берган бир солиҳ одам билан учрашиш учун сафар қилганлари, у одамни топганларидан сўнг, ўзлари улуг пайғамбар бўлсаларда, унга: *“Сизга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришингиз учун сизга эргашсам майлими?”*– деб ёлвориб сўраганлари ва Аллоҳ муяссар этганича илм олиб қайтганлари ҳақида баён этилади. Асарда, Навоий пайғамбарлар қиссаларини имкон қадар мухтасар ва содда тилда баён қилган. Асарнинг муҳим хусусиятларнинг яна бири инсоннинг йўл қўйган хатоларига муносабати масаласидир. Навоий хато қилган кишини қаттиқ қораламайди. Ҳамма

ҳам, ҳатто пайғамбарлар ҳам хато қилиши мумкин. Аммо, хатони тушуниб, тўғри йўлга тушиб олган одамгина саодатлидир, – дейди Алишер Навоий. Бунга Мусо, Юсуф, Довуд, Сулаймон каби пайғамбарларнинг хатога йўл қўйиши ва уни тушуниб, тезда тавба-тазарруга тушишлари ёрқин гувоҳдир. Асардаги Сулаймон (а.с.) билан чумоли суҳбати, Иброҳим (а.с.)нинг Исмоил (а.с.)га ғойибона (Исмоил пайғамбарнинг хотинлари воситасида) насиҳати, Мусо (а.с.) ва Қорун воқеаси, Мусо (а.с.) ва Ҳазрати Хизр (а.с.)нинг суҳбатларида чуқур маъно, ҳикмат акс этган.

Хусусан, Сулаймон (а.с.) билан чумоли суҳбатида: *“Сулаймон (а.с.) ул амрдин воқиф бўлуб, анда таваққуф қилиб, ул мўрни овучиға олиб, анинг била муколама қилди. Бири муни сўрдиким, хайлингни бизинг остимиздин танбиҳ қилдинг, билмассенмукин, бизинг оёғимиз остида мўр озурда бўлмас. Мўр деди Бири муни сўрдиким, хайлингни бизинг остимиздин танбиҳ қилдинг, билмассенмукин, бизинг оёғимиз остида мўр озурда бўлмас. Мўр дедиким, ё набийуллоҳ, сендин хотиржамъдурман, аммо шояд санинг шурунг бўлмагай, ханлингдин осиб еткай, деб танбиҳ воқеъ бўлди. Ва раёсат шарти номаръий қолмади. Сулаймон (а.с.) дедиким, мандин азимушшаънроқ махлуқ билурмусен? Дедиким, сендин азимуш-шаънроқ мендурмен. Сенинг тахтинг бир жамоддур. Менинг тахтим санинг муборак илкиндур. Сулаймон (а.с.) деди: санинг сипоҳинг кўпрак экан ё манинг? Мўр деди: Манинг. Сулаймон*

(а.с.) деди: Манинг сипоҳим ададин киши билмас. Мўр амр қилди, етмиш минг мўр хайли чиқтиларким, бир хайлнинг ададин киши билмас эрди. Сулаймон (а.с.) ул иштин ибрат олиб, мўр Сулаймон (а.с.)ни чекуртка аёғи била зиёфат қилиб, Сулаймон (а.с.) мўрға навозишлар қилиб, ул ердин ўтти. Манқулдурким, Сулаймон (а.с.)нинг ҳашамати ниҳоятқа еткондин сўнгра, муддао қилдиким, ҳар махлуқниким ҳақ таоло анинг маҳкуми қилибдур, борчасин зиёфат қилғай”³.

Алишер Навоий пайғамбарлар қиссаларини имкон қадар мухтасар ва содда тилда баён қилишни мақсад қилганлиги асардаги баъзи ишоралардан аёнлашади. Жумладан, “Мусо ва Хорун алайҳис-салом” қиссасида Мусо пайғамбарнинг туғилиши, гўдакнинг Аллоҳнинг чексиз инояти билан Фиръавн зулмидан асраб қолиниши ҳамда Шуъайб алайҳис-салом қўйларини боқиши воқеалари ихчам баён этилади. Шуъайб пайғамбар Мусони Сафура исмли қизига уйлантириб, ўн йилдан сўнг Одам Сафиюллоҳ жаннатдан чиқарган ҳассасини унга беради. Мусо пайғамбар Мисрга йўл олади. Шу ўринда Алишер Навоий Мусо алайҳис-саломга пайғамбарлик аъмолининг насиб этишини қўйидагича тасвирлайди. Аёнлашадиким, муаллиф асарининг асосий манбаси Қуръони карим бўлганлиги боис баъзи воқеалар тафсилотлари хусусида ундаги муайян сураларга ишора қилинади.

Қиссада Мусо алайҳис-саломнинг Фиръавн билан мулоқот қилиши ва уни “тенгри таоло убудиятига (бандаликка) далолат” қилиши, Фиръавн эса ундан мўъжиза кўрсатишни талаб қилиши лавҳалари асар пайғамбарлар мўъжизалари билан ўқувчини кўпроқ таништириш майлида бунёд этилганидан далолат беради. Бу ҳодиса Мусо алайҳис-салом қиссасида ҳам ўз ифодасини топган.

Мусо алайҳис-салом асоларини ташлаганида, у аждарҳога айланади. Ҳайбатидан бир неча киши ҳалок бўлади. Фиръавн ҳушидан кетади, ўзига келиб Мусо алайҳис-саломдан асони олишни илтимос қилади. Аллоҳ элчиси аждарҳони “яди байзо”ни (оппоқ қўл; зўр, куч, қудратли қўлни) кўрсатиб қўлига олганида, у яна ҳассага айланади.

Аллоҳ таоло инсонларга пайғамбар юборишидан икки нарсани ирода қилади: Биринчиси, моддий ҳаётда кўринган ҳодисаларнинг сабаблари ҳам асосан моддий бўлиб, буларга моддий бўлмаган нарсаларнинг таъсири ҳам бор. Пайғамбарлар инсонларга моддий сабаблар билан бирга, моддий сабаблар устидан ҳоким бўлган илоҳий қудратга ишонмоқни ўргатади, ҳар нарсанинг иродага боғлиқ эканлигини, “Коинот” деб аталмиш бу борлиқни илоҳий ирода бошқарганидек, табиий ҳоллар ҳам шубҳасиз Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. (Матни нашрга тайёрловчи: Латиф Халилов) 16-жилд. /“Тарихи анбиё ва ҳукамо”-

Тошкент: Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 йил, 159-160 бет.

билан содир бўлишни тушунтиради.

Иккинчиси, инсон ўз ақли билан барча фазилатларни топа олмайди, чунки, ақлнинг қуввати ҳар бир инсонда турлича бўлгани учун, фикр ҳам, амал ҳам, бир хил бўлмайди. Баъзи одамларнинг наздида яхшилик ёмонлик бўлиб кўриниши мумкин. Баъзилар эса, яхшиликни аниқ ҳис қила туриб, уни адо қилмайдилар. Баъзилар эса, ёмонликни била туриб, унга ружу қиладилар.

Пайғамбарлар ана шу инсонларга, уларнинг ўзлигини танитадилар, яхшилик билан ёмонлик чегарасини аниқлаб берадилар, уларнинг ҳар бир ҳаракати Аллоҳнинг назарида эканлигини, яхшиликка мукофот, ёмонликка жазо муқаррар эканлигини англатадилар. Ҳеч кимнинг эзгу ишлари зое бўлмайди, ёмонликларига эса узр қолмайди.

ХУЛОСА

Асарни ўқир эканмиз, Алишер Навоийнинг пайғамбарлар ва олимлар ҳақида ниҳоятда чуқур билимга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Демак, юқорида ҳам эътироф этганимиздек, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари авлиё ва анбиёлар, олимлар, ҳукамолар тарихига бағишланган бўлиб, асар умуминсоний қадриятлар ҳақида сўзлайди ва улардан баҳраманд бўлишга даъват этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. ТИУ, – Тошкент: 2001. 3–бет.

2. Vohidov R. H. Eshonqulov. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi.– T.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi, 2006. 425– bet.

3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. (Матни нашрга тайёрловчи: Латиф Халилов) 16–жилд. /“Тарихи анбиё ва ҳукамо”– Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2011 йил, 159–160 бет.

4. Navoiy A. Tarixi anbiyo va hukamo //G ‘. G ‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa. – 2011.

5. Jabborov N. “Tarixi anbiyo va hukamo” ning islomiyirfoniy mohiyati //Oltin bitiglar–Golden Scripts. – 2025. – T. 3. – №. 3.

6. Ismoilova U. M. “TARIXI ANBIYO VA HUKAMO” ASARIDAGI SHE’RIY PARCHALAR BADIYYATI //Creativity and Intellect in Higher Education: International Scientific-Practical Conference. – conferenceseries, 2024. – T. 7. – С. 58-60.

7. Eshqulov F. ALISHER NAVOIYNING “TARIXI ANBIYO VA HUKAMO” HAMDA “TARIXI MULUKI AJAM” ASARLARI MANBALARI //Conferences. – 2025. – T. 1. – №. 1. – С. 195-199.

8. Zilola O. " TARIXI ANBIYO VA HUKAMO" ASARIDAGI BA'ZI JIHATLAR //TADQIQOTLAR. – 2025. – T. 75. – №. 4. – С. 253-255.